

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ (UZNADA)
Терапевтик Истисно (ТИ) Аризаси**

Барча қисмларни босилган ёки чоп этилган харфлар билан тўлдиринг. Спортчи 1, 2, 3 ва 7 қисмларни тўлдиради; шифокор 4, 5 ва 6 қисмларни тўлдиради. Ноаниқ ёки нотўлиқ ариза қайтадан аниқ ва тўлиқ тўлдириб тақдим этилиши учун аризачига қайтарилади.

1. Спортчи тўғрисида маълумот

Фамилияси: _____	Исми: _____
Аёл: <input type="checkbox"/> Эркак: <input type="checkbox"/>	Туғилган сана: _____ <i>(кун/ой/йил)</i>
Манзили: _____	
Шаҳар: _____	Давлат: _____
Индекс: _____	Телефон: _____ <i>(халқаро коди билан)</i>
Эл. почта: _____	
Спорт тури: _____	Спорт дисциплинаси: _____

2. Аввалги аризалар тўғрисида маълумот

Худди шу ҳолат юзасидан биронта Антидопинг ташкилотига ТИ аризаси билан мурожаат қилганмисиз?

Ҳа Йўқ

Қайси модда(лар) ёки услуб(лар) юзасидан? _____

Кимга? _____ Қачон? _____

Қарор: Мақбулланди Мақбулланмади

3. Ретроактив аризалар

Бу ретроактив аризами?

Ҳа Йўқ

Агар “Ҳа” бўлса, қайси санадан бери даволаниш бошланган? _____

Қуйидаги истиснолардан биронтаси қўлланилмоқдами? (Халқаро ТИ стандартининг 4.1-моддаси):

- 4.1 (a)** – Сиз шошилинч ёки тез тиббий ёрдамга муҳтож эдингиз.
- 4.1 (b)** – Етарли вақт, имконият ёки бошқа узрли сабаб билан Сиз барвақт ТИ аризасини беролмадингиз ёки допинг-тест топширишингиздан аввал ТИ руҳсатномасини олишга улгурмадингиз.
- 4.1 (c)** – Ўзбекистон Миллий антидопинг қоидаларига кўра Сиз олдиндан ТИ аризасини беришга мажбурмасдингиз.
- 4.1 (d)** – Қуйи тоифадаги спортчи сифатида Халқаро федерация ёки Миллий антидопинг агентлиги юрисдикциясида бўлмаган холда допинг-тест топширдингиз.
- 4.1 (e)** – Сизнинг мусобақадан ташқари даврда топширган допинг-синамангизда фақат мусобақа даврида тақиқланган модда аниқланганди, масалан, глюкокортикоидлар.

Тушунтириш беринг (зарур бўлса, тегишли хужжатларни илова қилинг)

Бошқа ретроактив аризалар (Халқаро ТИ стандартининг 4.3-моддаси)

Истисно тариқасида, Халқаро ТИ стандартининг меъёрларида бошқаси кўрсатилган бўлсада, адолат тамойили устун келадиган аниқ ҳолатда Сиз ретроактив ТИ аризасини беришингиз мумкин.

4.3-моддага мувофиқ, тўлиқ сабабларни кўрсатинг ва барча тегишли хужжатларни илова қилинг.

Шифокор томонидан 4, 5 ва 6 қисмлар тўлдирилади.

4. Тиббий маълумот (тегишли тиббий хужжатларни илова қилинг)

Ташҳис (имкон қадар БССТ 11 ХКК га кўра):

--

5. Дори воситалари тўғрисида батафсил маълумот

Тақиқланган модда(лар)/услуг(лар) <u>Дженерик(лар) номи</u>	Дозаси	Истеъмол қилиш йўли	Истеъмол қилиш маҳали	Истеъмол қилиш давомийлиги
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

Ташҳисни тасдиқловчи хужжатлар ушбу аризага илова қилиниши ва бирга юборилиши зарур. Тиббий маълумот батафсил анамнез ва барча тегишли текширишлар, шу жумладан, лаборатория ва визуал текширишларнинг хулосаларидан иборат бўлиши керак. Имкон қадар тиббий хулосаларнинг асидан нусхалари илова қилиниши лозим. Бундан ташқари, ташҳис, клиник текширишлар, тиббий тестлар ва даволаш режасининг асосий қисмларини ифодаловчи қисқа хотимаси фойдали бўлади.

Агар тақиқланмаган моддани ушбу касалликни даволашда қўллаш мумкин бўлса, тақиқланган моддани терапевтик фойдаланишдан четлатишни асослаб беринг.

Спортчи ва шифокорларга ТИ аризасини тўлдиришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида WADA намунавий ТИ аризаларни ишлаб чиққан. Улар <https://www.wada-ama.org> WADA вебсайтининг "Checklist" саҳифасидан жой олан.

6. Тиббиёт ходимининг аризаси

Мен 4 ва 5 қисмлардаги маълумот тўғрилигини тасдиқлайман. Менга тегишли шахсий маълумотлардан Антидопинг ташкилотлари ушбу ТИ аризаси, касбий баҳо бериш ёки Антидопинг қоидаларига кўра антидопинг қоидабузарликларини текшириш ва суд жараёнида кўриб чиқилиши эҳтимоли юзасидан мен билан боғланиш учун фойдаланишлари мумкинлигини тасдиқлайман ва бунга розилик билдираман. Шунингдек, менга тегишли шахсий маълумотлар ушбу мақсадларда Анти-Допинг Маъмурияти ва Бошқаруви тизимига (ADAMS) юкланишини тасдиқлайман ва бунга розилик билдираман (батафсил маълумот олиш учун [ADAMS Privacy Policy](#) га мурожаат қилинг).

Фамилияси ва исми: _____

Тиббий ихтисослиги: _____

Диплом рақами: _____

Диплом берган ташкилот: _____

Манзил: _____

Шаҳар: _____

Давлат: _____

Индекс: _____

Телефон: _____

Факс: _____

(халқаро коди билан)

Эл. почта: _____

Тиббиёт ходимининг имзоси: _____

Сана: _____

7. Спортчининг аризаси

Мен, _____, 1, 2, 3 ва 7 қисмлардаги маълумотларнинг тўғри ва аниқлигини тасдиқлайман. Мен ўзимнинг шифор(лар)имга мени ТИ аризам учун зарур ва менга тегишли бўлган барча тиббий маълумотлар ва ёзувларни қуйидагиларга тақдим этиш(лар)ига руҳсат бераман: ушбу ТИ аризасини кўриб чиқиб хулоса бериш ваколлатига эга Антидопинг ташкилотига; Антидопинг ташкилоти томонидан берилган хулоса ва тушунтиришлар ХТИС талабларига мос келишини назорат қилувчи Бутунжаҳон антидопинг агентлигига (WADA); Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва халқаро стандартлар талабларига биноан мени ТИ аризамни кўриб чиқиш учун WADA ва Антидопинг ташкилотларининг тегишли Терапевтик истиснолар бўйича қўмиталарининг аъзолари бўлмиш шифокорларга; ва, зарур ҳолларда, мени аризамни кўриб чиқиш учун мустақил тиббий, илмий ва ҳуқуқшунос экспертларга.

Шунингдек, мен Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига юқоридаги мақсадларга кўра мени ТИ аризам ва унга илова қилинган барча тиббий ҳужжатларни WADA ва бошқа Антидопинг ташкилотларига тақдим этишига руҳсат бераман. Ушбу ташкилотлар батафсил эксперт хулоса беришлари учун улар томонидан менинг ТИ аризам тўлалигича кўриб чиқилиши лозимлигини тушунаман.

Мен ТИ аризам кўриб чиқилиши жараёнида ўзимга тегишли шахсий маълумот қай тарзда ўрганилиши ҳақида маълумот берилган қуйидаги Маҳфийлик тўғрисида ҳабарнома билан танишиб, уни тушуниб, шартларига розилик билдираман.

Спортчининг имзоси: _____

Сана: _____

Ота-онаси/Васийнинг имзоси: _____

Сана: _____

(Агар спортчи вояга етмаган бўлса ёки унинг ногиронлиги сабабли ушбу аризани имзолаш имкони бўлмаса, унинг ота-онаси ёки васийи унинг номидан ушбу аризани имзолаши лозим).

ТИ Махфийлиги тўғрисида хабарнома

Ушбу хабарномада Сиз томондан ТИ аризаси берилиши муносабати билан шахсий маълумотларингизни ўрганиш ва сақлашга оид тамойиллар кўрсатилган.

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР (ШМ) ТУРЛАРИ

- Сиз ва/ёки шифокорингиз томонидан беилган ТИ аризасида кўрсатилган маълумот (шу жумладан, Сизнинг исм-фамилиянгиз, туғилган санангиз, алоқа учун маълумотлар, спорт тури ва дисциплинаси, ташҳис, дори-дармонлар ва даволаш режаси);
- Илова қилинган қўшимча тиббий хужжатлар ва хулосалар; ва
- Миллий антидопинг агентлиги (ҳамда WADA) ва улар ҳузуридаги ТИ бўйича комиссиялар томонидан ТИ аризангизга берилган хулоса ва қарор, шу жумладан, Сиз, Сизнинг шифокорингиз ва тааллуқли Антидопинг ташкилотлар билан ТИ аризаси юзасидан амалга оширилган ёзишмалар.

МАҚСАДЛАР ВА ФОЙДАЛАНИШ

Сизга тегишли ШМ Халқаро ТИ стандартига мувофиқ ТИ аризангиз юзасидан қарор чиқариш учун фойдаланилади. Қуйидаги айрим ҳолларда ундан Бутунжаҳон антидопинг кодекси, Халқаро стандартлар, Сиздан допинг-синама олиш ваколлатига эга Антидопинг ташкилотларининг қоидаларига асосан бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин:

- Сизнинг допинг-синамангиз ёки Спортчининг биологик паспорти ноҳўя ёки нотипик натижа берган тақдирда; ва
- Антидопинг қоидабузарликда гумон қилиниш ҳолатларда тергов-суриштирув ишларини амалга ошириш зарур бўлганда.

ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ТУРЛАРИ

Сизга тегишли ШМ, хусусан тиббий хужжатлар ва саломатлигингиз ҳақида маълумотлар, қуйидаги ташкилот ва шахслар ўртасида тарқатилиши мумкин:

- ТИ аризангизни кўриб чиқиш ва унинг юзасидан қарор чиқариш ваколлатига эга Антидопинг ташкилоти ва ўз ваколлатини узатган учинчи томон. ТИ аризангиз юзасидан чиқарилган қарор допинг-тест ўтказиш ва натижаларни баҳолаш учун масъул Антидопинг ташкилотига ҳам етказилади;
- WADA томонидан тайинланган масъул шахс(лар);
- WADA ва тегишли Антидопинг ташкилоти ҳузуридаги ТИ бўйича комиссия аъзолари; ва
- Бошқа мустақил тиббий, илмий ёки ҳуқуқшунос экспертлар (агар зарур бўлса).

Шунга эътибор беринки, Сизга тегишли ШМ махфий бўлгани сабабли, унга Антидопинг ташкилоти ва WADA ходимларининг чекланган сонигина кўйилади. Антидопинг ташкилоти (ҳамда WADA) ШМ Халқаро шахсий маълумотларни сақлаш ва махфийлигини таъминлаш стандартига (ХШМСМТС) мувофиқ ишлов беришлари шарт. Бу борада Сиз Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан uznada@mail.ru электрон почтаси ёки +99895 1995501, 1996601 телефон рақамлари орқали боғланиб, амалий ёрдам олишингиз мумкин.

Сизнинг ШМ ADAMS тизимига юкланиб, унга Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳамда зарур бўлган тақдирда бошқа Антидопинг ташкилотлари ва WADA кўйилади. ADAMS тизими Канадада жойлашган бўлиб, WADA томонидан бошқарилади. ADAMS ва WADA томонидан Сизнинг ШМ қай тарзда ишлов берилишини билиш учун ADAMS Махфийликни таъминлаш Сиёсатига мурожаат қилишингиз мумкин ([ADAMS Privacy Policy](#)).

ХАЛОЛ ВА ҚОНУНИЙ ИШЛОВ

Спортчининг аризасини (7) имзолаб, Сиз ТИ Махфийлиги тўғрисида ҳабарномани ўқиб чиқиб мазмунини тушунганингизни тасдиқлайсиз. Ушбу имзо ҳар қандай бошқа вазиятларда Антидопинг ташкилотлари ва бошқа ваколатли ташкилотлар ушбу Ҳабарномада кўрсатилган ШМ ишлов бериш жараёнига розилигингизни тасдиқлайди. Альтернатива нуқтаи назаридан, Антидопинг ташкилотлари ва бошқа томонлар, Сизнинг ШМ ишлов бериш жараёнида тан олинган бошқа қонунчилик меъёрларини асос қилишлари мумкин, жумладан, антидопинг билан боғлиқ жамоат манфаатлари, турли битим, келишув ва шартномалар талабларига риоя этиш мажбуриятлари ва ҳақозолар.

ҲУҚУҚЛАР

ХШМСМТС кўра, Сиз ўзингизга тегишли ШМ юзасидан маълум ҳуқуқларга эгасиз, жумладан, ШМ нусха олиш, уни тўғрилаш ва блоклашга ёки маълум шароитда уни йўқ қилишга. Ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ, Сиз қўшимча ҳуқуқларга, масалан, мамлакатингизнинг мувофиқлаштирувчи органга шикоят аризаси билан мурожаат қилиш каби ҳуқуққа эга бўлишингиз мумкин.

Сизнинг ШМ кўриб чиқиш ўзингизнинг розилигингизга асосланган бўлса, Сиз розилигингизни хоҳлаган вақтда чақириб олишингиз мумкин, жумладан, Сизга тегишли тиббий маълумотни шифокорингиз томонидан ошқора этишни ҳам. Бунинг учун Антидопинг ташкилоти ва шифокорингизни огоҳлантиришингиз лозим. Бу вазиятда Сизнинг ТИ аризангизни кўриб чиқиш жараёни тўхтатилиб, қарор чиқарилмайди.

Айрим ҳолатларда, розилигингизни чақириб олганингиздан қатъий назар, Антидопинг ташкилоти Кодекс ва Халқаро стандартларга мувофиқ Сизнинг ШМ ишлов беришда давом этишни талаб қилиши мумкин. Бу антидопинг қоидабузарлигини тергов-суриштирув ишлари, Сиз, WADA ёки Антидопинг ташкилотини суд жараёнида зарур бўлиши мумкин.

КАФОЛАТЛАР

ТИ аризасида кўрсатилган маълумотлар, шу жумладан тасдиқловчи тиббий ҳужжатлар ва хулосаларга Сизнинг ШМ химоялаш учун махфийликни сақлаган ҳолда ишлов берилиши лозим. ТИ бўйича комиссия аъзолари бўлмиш шифокорлар ва барча бошқа экспертлар махфийлик тўғрисида келишув талабларига риоя этишлари лозим.

ХШМСМТС кўра, Антидопинг ташкилоти ходимлари ҳам махфийлик тўғрисида келишувни имзолашлари, Антидопинг ташкилоти эса Сизнинг ШМ сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида тегишли чоралар кўриши лозим. ХШМСМТС Антидопинг ташкилотидан юқори хавфсизлик таъминотини талаб этади. ADAMS тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида бизнинг [ADAMS Privacy and Security FAQs](#) даги [How is your information protected in ADAMS?](#) саҳифамизда батафсил маълумот топшингиз мумкин.

САҚЛАШ

Сизнинг ШМ Антидопинг таъшилотида (ҳамда WADA да) ХШМСМТС нинг А-иловасида белгиланган муддат ичида сақланади. ТИ руҳсатномалари ва рад этиш қарорлари 10 йил давомида сақланади. ТИ аризаси ва илова қилинган тиббий ҳужжатлар берилган ТИ руҳсатномасининг муддати тугаган кунидан бошлаб 12 ой давомида сақланади. Нотўлиқ ТИ аризалари 12 ой давомида сақланади.

АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ

Сизнинг ШМ га тегишли барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги билан uznada@mail.ru электрон почтаси ёки +99895 1995501, 1996601 телефон рақамлари орқали, WADA билан privacy@wada-ama.org электрон почта орқали боғланишингиз мумкин.

Сиздан тўлиқ ва аниқ тўлдирилган ушбу шаклни Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига uznada@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз сўралади.